

## 2022 ЙИЛ ЯНВАР-СЕНТЯБР ОЙЛАРИДА ХУДУДИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари–Инвестициялар ва ташқи савдо вазири, Ҳукумат комиссияси раисининг 2022 йил 5 январдаги “Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий санатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш” масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси йиғилишининг 2 сонли баёнига асосан, туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан туманда умумий қиймати **130 млрд. 640 млн.сўм** лик **571 та** янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган **120 та** лойиҳа шакллантирилиб, бугунги кунда лойиҳаларни ишга тушириш бўйича йўл хариталари тасдиқланди.

**- саноатда** умумий қиймати **45 млрд 850 млн**сўмлик **18 та** лойиҳаларда **203 та** иш ўрини;

**- хизмат кўрсатиш соҳасида** умумий қиймати **34 млрд 660 млн** сўмлик **29 та** лойиҳаларда **85 та** иш ўрини;

**- қишлоқ хўжалиги соҳасида** умумий қиймати **50 млрд 130 млн** сўмлик **73 та** лойиҳаларда **283 та** иш ўринлари яратилиши белгиланган.

Бугунги кунга қадар тасдиқланган дастур ва қўшимча шакллантирилган лойиҳалар негизида умумий қиймати **128 млрд 405 млн.сўм**лик **92 та** лойиҳаларда **756 та** янги иш ўринлари яратилишига эришилди.

Жумладан:

**- саноатда** умумий қиймати **51 млрд 900 млн.сўм**лик **5 та** лойиҳада **482 та** иш ўрини;

**- хизмат кўрсатиш соҳасида** умумий қиймати **39 млрд 540 млн** сўмлик **31 та** лойиҳаларда **73 та** иш ўрини;

**- қишлоқ хўжалиги соҳасида** умумий қиймати **36 млрд 965 млн** сўмлик **56 та** лойиҳаларда **201 та** иш ўринлари яратилиши таъминланди.

Мисол учун, биргина Чиммос МФЙ ҳудудида “**ZARAFSHON TEKSTIL**” МЧЖ томонидан ташкил этилган лойиҳа қиймати **40 млрд.сўм**лик йирик Тикувчилик комплекси ташкил этилиши натижасида 450 нафардан зиёд хотин-қизлар бандлиги таъминланди.